Анвар ХУДОЁРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, фалсафа доктори (PhD)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ БОЗОРИНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ



Зиёрат туризми хўжалик субъектларининг фаолиятлари, бозор иқтисодиёти талабларига кўра, сайёҳлик бозорида талаб ва таклиф қонунининг устуворлиги, ташкилий иқтисодий жараёнларни йўлга солишнинг бозор ва маъмурий механизмларини яратиш ҳолати каби жавжуд ижтимоий-иқтисодий жараёнлар жамиятдаги турли ихтисослашган институтлар ва уларнинг фаолият юритиш тартибида тўғридан тўғри боғлиқдир. Мамлакатимизда жами 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар – «Бухоро шаҳрининг тарихий маркази», «Хива шаҳридаги Ичан-қалъа», «Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази», «Самарқанд шаҳри» ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган[1]. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги малумотларига кўра, йил давомида Ўзбекистонга жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатидан икки миллионга яқин сайёҳлар ташриф буюради. Ушбу миқдорни 5 миллионга етказиш салоҳиятимизни қанчалик тарғиб қилишимизга боғлиқдир. Шундай экан, сайёҳлик бозори ҳолатини ўрганиш ва унинг такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш учун ушбу бозорда иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг бозор механизмларидан ҳам устун турувчи жамиятнинг маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, ҳуқуқий механизмлари мажмуаси сифатида намоён бўлувчи мавжуд институтларнинг жараёнларга таъсир даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳозирги кунда замонавий институционал иқтисодиёт зиёрат туризми бозорида мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни кўп томонлама, комплекс ёндошган ҳолда ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш доирасини белгиловчи замонавий иқтисодий назариянинг асосларидаги тўлиқ рационаллик, маълумотлар ва ахборотлар билан тўлиқ таъминланганлик, такомиллашган рақобат, фақат нарх механизми воситасида мувозанатнинг таъминланиши каби қоидалар яратадиган тўсиқларни енгиб ўтиш имконини туғдиради. Институтларнинг ташкилий иқтисодий моҳияти уларнинг амалга оширадиган қуйидаги вазифалари натижасида намоён бўлади:

сайёҳлик ресурслари ва улардан фойданиш имкониятларига тартибга тушириш ва белгилаш билан боғлиқ бўлади. Аниқ бир институт мазмунининг мавжуд тавсилоти иқтисодий агентларнинг аниқ йўналтирилган бир

[1] 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонига илова.

ҳолатда қандай тартибда ҳаракат қилишлари кераклиги тўғрисидаги ахборот ва маълумотлар йиғиндисини мужассам этади.

Институтларнинг ташкилий иқтисодий моҳияти мувофиқлаштириш вазифаси бўлиб, бевосита қўйилган мақсад самарасининг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Бунда мувофиқлаштириш самараси тегишли агентларнинг маълум бир ҳолатларда бошқа иқтисодий агентларнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш асосида ўзларининг келажакдаги ҳаракатларини истиқболлаштириш билан боғлиқ харажатларга иқтисодий ёндошганликда намоён бўлади.


Тақсимлаш функциясига эга бўлиб, иқтисодий агентларнинг ҳаракат йўналишларини белгилаб қўйиш орқали, улар ўртасидаги ресурслар тақсимотига солиқ қонуқчилиги, божхона йиғимларини аниқлаш каби қоидалари таъсир этиши тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, тарихий обидалари, меморий ва тасвирий санъати билан, ҳамда Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Исо Термизий, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб дунёга таниқли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё сайёҳлари ва олимларини ўзига жалб этиб келмоқда. Шундай экан миллий туризм индустриясини ривожлантиришда таҳлил натижаларига кўра, фикримизча, зиёрат туризми бозорини тартибга солиш институтларининг иқтисодий аҳамияти зиёрат туризми бозори субъектлари ҳаракатларининг керакли қоидалари ва меъёрларини белгилаш ва ўрнатилган меъёрларнинг тартибли ижро механизмини яратиш орқали уларнинг тегишли индивидуал ҳаракатларини белгилаб бериш, ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, ресурслардан фойдаланиш имкониятларни четлаш ва улардан фойдаланиш шаклларини белгилаш ва тақсимлашда ўз аксини кўрсатади. Ўз навбатида, зиёрат туризми бозори ривожланиши, институционал муҳит тузилмасининг макро ва микро даражаларда институтларнинг ўзаро мослиги ва мувофиқ шакллантирилганлигига бевосита боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Туризм бозорларида иштирок этувчи институтлар расмий ва норасмий хусусиятларда намоён бўлади. Норасмий институтлар ижтимоий гуруҳлар тафаккури негизида шаклланган қоида ва меъёрлар (жамиятда қабул қилинган турли хил тартиботлар, удумлар, анъаналар) тизими ҳисобланиб, уларга амал қилиш механизмининг кафили сифатида қоида ва меъёрларни бузганлик ҳолатини кузатган, ушбу гуруҳнинг исталган аъзоси бўлиши мумкин. Расмий институтлар расмий матн ёки учинчи (кафил) шахс томонидан тасдиқланган оғзаки келишув шаклида мавжуд қоида ва меъёрлар тизими ҳисобланиб, қоида ва меъёрларга амал килиш механизмининг кафили ролини ушбу вазифага ихтисослашган индивидлар ижро этади. Замонавий институционал иқтисодиётда расмий институтлар кафили бўлиб, давлат ҳокимияти органлари ҳисобланишади. Кўп ҳолларда жамиятдаги бундай мавжуд расмий институтлар давлат институтлари, деб юритилади.

Халқаро ва миллий туристик бозорларда зиёрат туризми бозори фаолиятини таъминловчи ва тартибга солувчи расмий институтларни меъёрий-ҳуқуқий ва маъмурий-ташкилий сегментларга бўлиш мумкин. Иштирок этувчи меъёрий-ҳуқуқий институтлар зиёрат туризми бозорида субъектларининг фаолиятини таъминловчи, расмий жиҳатдан белгиланган расмий меъёр ва қонунлар тузулмаси, шу билан бир қаторда уларга амал қилиш меъёрларини унумли иш фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий ва иқтисодий санкциялар тизимидан ташкил топган меъёрий муҳитдан иборат бўлиб, унинг тузилмаси халқаро, миллий, ҳудудий ва ички идоравий даражаларга оид қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва дастурий қоидалар мажмуидан иборат. Халқаро ва миллий туристик бозорларда маъмурий-ташкилий институтлар туризм, зиёрат туризми бозори субъектларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳамда ушбу муносабатлар қатнашчиларига нисбатан назоратни амалга оширувчи чора-тадбирлар дастурини яратиш ва амалга оширишга мўлжалланган, ҳамда ижтимоий масалаларни қамраб олувчи давлат ҳокимияти органлари, партиялар, корпорациялар, касаба уюшмалари, тадбиркорлар уюшмалари каби расмий ташкилий тузилмалардан иборат бўлади.

Шу билан бир қаторда, зиёрат туризми бозорида тадбиркорлик институционал муҳитининг асосий элементи ҳисобланган, тадбиркорнинг тафаккури ва тадбиркорликнинг



хулқ-атворига оид ижтимоий жавобгарлик, ижтимоий масъулият, ишбилармонлик маданияти, рақобатчилик ва шерикчилик хулқ атвори каби меъёрларни ўзида мужассам этган иқтисодий муҳитнинг норасмий институтлари тизими жамиятнинг мавжуд ижтимоий институтлари негизида шаклланади ва амалда бўлади. Таъкидлаш жоизки, зиёрат туризми бозори фаолиятини тартибга солиш институтлари ягона ижтимоий институционал тизимнинг занжирлари ҳисобланиб, сайёҳлик маҳсулотни ишлаб чиқиш, айрибошлаш, тақсимлаш ва истеъмол килиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни сайёҳлик бозори субъектлари ҳаракатлари меъёрини белгилаш вазифасини амалга оширувчи расмий ва норасмий меъёрлар ва коидаларга таянган ҳолда ўзаро мослаштириш, ушбу муносабатларни тартибга солиш, ҳамда мавжуд меъёрлар ва белгиланган қоидаларга риоя қилишнинг тегишли механизмларидан ташкил топган. Зиёрат туризми бозорининг ривожланишдаги институционал муҳитини қуйидаги даражада акс эттириш мумкин. Жаҳон бозорларида халқаро туристик муносабатларнинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий негизини белгилаб берувчи асосий институт Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳисобланади.

Жаҳон бозорларида халқаро туристик айрибошлаш жараёнларининг кенгайиб бориши халқаро миқёсида ихтисослаштирилган туристик корхона ва ташкилотларнинг вужудга келиши ва ривожланишига туртки бўлди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро миқёсида 200 дан ортиқ турли халқаро туристик ташкилотлар фаолият юритишмокда Мазкур туристик ташкилотларнинг фаолияти туризмнинг ўткир муаммоларини ўрганиш асосида туризмнинг барқарор ривожланишини таъминловчи зарурий услубий кўрсатмалар, ташкилий-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга қаратилган. Жаҳон иқтисодиётида сайёҳлик бозорларини ривожлантиришда халқаро туристик ташкилотларининг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

туризм индустрияси ташкилотлари қизиқишларини намоён этиш ва ҳимоя қилиш; туризм соҳаси сиёсатини белгилаш; жаҳон туризми ривожланишининг таркибий унсурларини шакллантириш; ташкилот аъзо мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ушбу мамлакатларда туризм индустриясининг ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида амалий ёрдам кўрсатиш.

Туризм бозорларининг аҳамиятли томони шундаки, халқаро ташкилотлар, хусусан, ассоциациялар, уюшмалар, альянс шаклидаги бирлашмалар ўз фаолиятларини ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида қуради. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси туризм индустрияси соҳаси фаолияти белгиланган бир катор қонуний актлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг илк йилларидан бугунги кунга кадар мамлакатимизда замонавий туризм бозорининг ҳуқуқий асосларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда туристик фаолият қонунчилиги халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрлари асосида яратилди. Миллий иқтисодиётимизда туризм индустрияси соҳасида ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳитни шаклланиши ва ривожланишининг асосий жиҳатлари нафақат туризм бозорлари иштирокчилари фаолияти ва туристик маҳсулот истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммо ва масалаларни, балки хизмат кўрсатиш сифати, туризмда хавфсизликни таъминлаш, халқаро стандартларга амал қилиш масалаларини мужассам этган сайёҳлик тармоғининг кенг камровли қонунчилик негизини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлди.

Халқаро ва миллий бозорларда жумладан, туризм бозорида туристик фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳим ўринни эгаллаб келмоқда[2]. Бугунги кунда ўз навбатида, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш қўмитаси буйруқлари ва фармойишлари миллий туризмнинг яхлит тизим сифатидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи институтлар сифатида фаолият юргазмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда туризм соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий

[2] Gulyamova G. P., Babanova Yu. V. SOVERSHENSTVOVANIYE MEXANIZMA REGULIROVANIYA PROTSESSOV FORMIROVANIYA KONKURENNOY BIZNES-SREDY //EKONOMIKA I PREDPRINIMATELSTVO: AKTUALNYYE VOPROSY, TENDENSII I PERSPEKTIVY RAZVITIYA. – 2019. – S. 49-54.

таъминотини такомиллаштиришда бир қатор масалалар ўз ечимларини кутмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Рсепубликасининг амалдаги “Туризм тўғрисида”ги Қонунига бугунги кундаги замонавий туристик муносабатлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда зарурий ўзгартиришлар ва керакли қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг мукаммал ишлаб чиқилиши, сайёҳлик индустриясининг миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини умумдавлат даражасида кўрилишини, ҳамда соҳанинг истиқболдаги ривожланиш йўналишларини белгилаб беради. Миллий туризмнинг ривожланишига хизмат қилувчи концепция соҳанинг истиқболли масалаларини ечиш ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятдаги зарурий натижаларга эришиш йўлида давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларининг самарали воситасига айланади, деб ҳисоблаймиз.

Халқаро миқёсда туристик фаолиятни тартибга солиш амалиёти давлатларнинг туризм масалалари бўйича халқаро конвенциялар, декларациялар ва шартномаларга қўшилиши, уларнинг халқаро туристик дастурлар ва лойиҳалардаги иштироки, ҳукуматлараро ҳамкорлик шартномаларини тузиши ҳамда туризмни ривожлантиришдаги миллий концепцияларни шаклллантириши ва миллий туризмга оид қонунчиликни ишлаб чиқишда халқаро ҳужжатлардаги асосий тамойил ва қоидаларни инобатга олиши орқали амалга оширилади. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатимиз сайёҳлик соҳасига оид ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ташкил этишда халқаро ҳуқуқий нормалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни бир нечта гуруҳларга бўлиб, таҳлил қилиш билан амалий натижалар намоён бўлиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқий нормалар ва меъёрий актларнинг биринчи гуруҳига Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсда чет эл давлатлари билан сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида келишувлари ҳамда сайёҳлик соҳасидаги халқаро тегишли идораларарро шартномалар ўрин эгаллайди.

Халқаро ҳуқуқий нормалар ва меъёрий актларнинг иккинчи гуруҳига халқаро конвенциялар киритилиб, жаҳон иқтисодиётида халқаро сайёҳлик бозорининг субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларига оид алоқа ва ҳамкорликларни тартибга солувчи ҳамда халқаро муносабатларда белгиланган тартиб ва қоидаларни ўрнатувчи институт сифатида хизмат кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқий нормалар ва меъёрий актларнинг учинчи гуруҳига БМТ каби халқаро ташкилотларнинг, БМТ тизимидаги ихтисослаштирилган турли тегишли ташкилот ва муассасаларнинг, Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг карорлари (резолюциялари) ҳамда туризм бўйича Халқаро конференцияларда қабул қилинган халқаро деклорациялар киритилади .

Халқаро ҳуқуқий нормалар ва меъёрий актларнинг актларнинг тўртинчи гуруҳига БТТнинг ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг сайёҳлик соҳасига оид тавсияномалари киритилади.

Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир. Юртимизда ҳукуматимиз томонидан туристик соҳани, хусусан, зиёрат туризмини шакллантириш ва самарали фаолият юритиши учун барча зарурий шарт-шароитларни таъминлаши, яъни меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиши, умуман олганда, соҳанинг алоҳида турларини рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши талаб этилади. Ўзбекистон туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади[3]. Туризм индустриясида фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўртасида ҳалол рақобат муҳитини яратиш, туризм соҳасида фаолият юритувчи туроператорлар фаолиятини тартибга солиш, туристлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш орқали ушбу соҳанинг ривожланишига туртки бўлади.

[3] Худаяров А. А., Пирматов Х. Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – С. 262-265.